



Маънавият ва маърифат маркази Тошкент шаҳар  
бўлими бошлиғи

М.А. Исмаилова

«\_»

2022 йил

Маънавият ва маърифат маркази Тошкент шаҳар бўлими томонидан Тошкент шаҳрида ўtkaziladig'an madanij va ma'rifij tadbirlarida ishtirokchilarni ra'batlanтириш ma'садида tarқatiladig'an kitob maҳsулотlarini xarid қилиш учун

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ХУЖЖАТИ УМУМИЙ ҚИСМ

### ЭЛЕКТРОН ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ

#### 1. Умумий шартлар

- 1.1. Ушбу танлов ҳужжатлари 22.04.2021 йилдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2. Танлов мавзуси: Тошкент шаҳрида ўtkaziladig'an madanij va ma'rifij tadbirlarida ishtirokchilarni ra'batlanтириш ma'садида tarқatiladig'an kitob maҳsулотlarini xarid қилиш.
- 1.3. Танлов предмети охирги қиймати – **187200000 (бир юз саксон етти миллион икки юз минг) сўм**. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.4. Хизматларни кўrsatiш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.
- 1.5. Танлов комиссияси йиғилишининг шакллари - онлайн.
- 1.6. Ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта сумда амалга оширилади
- 1.7. Тўлов тартиби пул утказиш йули билан (олдиндан 30%, колган 70% иш бажарилгандан сунг)
- 1.8. Етказиб бериш курсатилган муддат 5 кунда.
- 1.9. Танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилии узбек тилида еки рус тилида тақдим килинади.
- 1.10. Иштирокчиларга танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш эълон муддати тугашига 2 кун қолганда тўхтатилади.
- 1.11. Танлаш учун берилган эълон 5 (беш) иш кунига электрон тизимга жойлаштирилади.

**1.12.** Ушбу Қонунга мувофиқ тақлифларни баҳолаш мезонлари электрон тизим томонидан энг яхши тақлифни танлаш ва электрон овоз бериш тартибига мувофик амалга оширилади.

**1.13.** Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этишлари талаб килинади.

## **2. Танлов ташкилотчилари**

**2.1.** Буюртмачининг номи – Маънавият ва маърифат маркази Тошкент шаҳар бўлими (бундан кейин "Буюртмачи" деб номланади).

**2.2.** Комиссиянинг ишчи органи танлов комиссияси (бундан кейин - "комиссия").

**2.3.** Танлов камидаги 5 аъзодан иборат Буюртмачи томонидан тузилган танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

## **3. Танлов иштирокчилари**

**3.1.** Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин, 4.2-банда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.

## **4. Танловни ўтказиш тартиби.**

**4.1.** Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси:

а) танлов шартлари билан танишиш учун маъсус маълумот порталида жойлаштирилган танлов хужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);  
б) танлов хужжатлари талабларига мувофиқ танлов тақлифини тақдим этиши шарт.

**4.2.** Қуйидаги ҳолатларда иштирокчиларнинг танловда иштирок этишлари тақиқланади:

-қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;  
- "Буюртмачи" билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлган;  
- виждонсиз ижрочилар ягона реестрда рўйхатда турган;  
-солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган  
-танловда кўрсатилган товарлар танлов тақлифари юборилган вақтда омборида керакли ҳажмда мавжуд бўлмаган ташкилотлар.  
-имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудлар ёки давлатларда рўйхатдан ўтган ёки банк ҳисоб рақамларига эга бўлган ташкилотлар тақлифлари танловда кўриб чиқилмайди ёки танловда ғолиб бўлгандан сўнг аниқланган ҳолатда танлов якунлари бекор қилинади.

**4.3.** "Буюртмачи" иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

-иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органини ҳар қандай шаклда иш ҳақи, иш тақлифи ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо нарсалар ёки хизматларни тақлиф қилиш, бериш ёки беришга рози бўлиш ҳолатлари;

- давлат харидлари жараёнида буюртмачига нисбатан ҳар қандай ҳаракатларини амалга ошириш, буюртмачининг қарор қабул килишга ундовчи ҳатти-ҳаракатлар аниқланган тақдирда.

## **5. Танлов тили, ўлчов бирлиги.**

**5.1.** Танлов таклифи ва иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва хужжатлар ўзбек тилида бўлиши керак. Танлов таклифи ўзбек тилига аниқ илова қилинган ҳолда бўлиши керак.

**5.2.** Танлов таклифида донабай ўлчов тизимидан фойдаланилади.

## **6. Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби**

**6.1.** Иштирокчилар махсус порталда эълон қилинган танлов бўйича ўз таклифларини электрон шаклда киритадилар.

**6.2.** Иштироклар тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;

**6.3.** Танлов таклифи икки қисмдан иборат: нарх қисми танлов шартларига мос келиши ва қуидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

-маҳсулот номи, маҳсулот қиймати, умумий миқдори, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати ва бошқалар.

**6.5.** Тижорат таклифи электрон шаклда тақдим этилади.

**6.6.** Техник таклиф қуидаги хужжатларни ўз ичига олиши керак: китоб маҳсулотининг ҳажми, тили, ёзув графикаси, бичими техник ҳақидаги маълумотлар.

**6.7.** Комиссия факат ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун жавобгардир.

## **7. Таклифлар бўйича танлов тартиби ва уларни баҳолаш мезони**

**7.1.** Эълонда танлов ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақт, танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган танлов таклифларини баҳолаш бўйича танлов комиссияси.

7.1. Эълонда танлаш ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақтда танлаш комиссияси танлаш иштирокчилари томонидан берилган электрон таклифларни баҳолаш учун очади. Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади.. Танлашни ўтказишда иштирокчиларнинг бошланғич нархдан юкори бўлган нарх бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди

**7.2.** Танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди. Таклифларни кўриб чиқиша барча хужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади.

**7.3.** Танлов комиссияси танлов ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлов хужжатларида кўрсатилган мезонларга караб баҳолайди.

**7.4.** Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатларда мавжуд бўлмаган маълумотлар аниқланган тақдирда, танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда қатнашишдан четлаштиришга ҳақлидир.

**7.5.** Иштирокчиларнинг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланади ва танлаш ўтказиш баённомасида қайд этилади.

**7.6.** Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида танлов комиссияси талабгорлардан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу процедура оғзаки ёки ёзма равишда, танлов ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятида шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

**7.7.** Танлов хужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун енг яхши шартларни таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.

**7.8.** Танлов якунида қарор қабул қилиш жараёнидан олдин танлов комиссияси аъзолари яққол ғолиб кўрилмаган ёки икки ёки ундан кўп иштирокчиларнинг баллари бир хил бўлган тақдирда иштирокчилардан танловга қўйилган маҳсулотлар бўйича наъмуналар олиши, ҳамда ушбу маҳсулотларнинг иштирокчи омборида борлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида унинг омборига бориши мумкин.

## **8. Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийлик.**

**8.1.** Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилган жавобгарлик қўйидагиларга тегишли;

-кирувчи таклифлар ёзувларини юритадиган ва уларнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлайдиган комиссия аъзолари комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гурӯҳ аъзолари томонидан иштирокчилар таклифига оид маълумотларни танлов якунидан аввал ошкор қилиш -иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган эксперталар билан тил бириктиришга рухсат бериш, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун.

**8.2.** Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.